

# Халқ сўзи

Ўзбекистон –  
келажаги  
буюк  
давлат

2024 йил – ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ Қўллаб-қувватлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2024 йил 22 июнь, № 124 (8747)

Шанба

Сайтимицага ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Мўғулистон Президенти давлат ташрифи билан Ўзбекистон Республикасига келади

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух 23 — 26 июнь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.**

Олий мартабали меҳмон ташрифининг дастурига мувофиқ Тошкент шаҳрида олий даражадаги музокара-лар ўтказилиши кўзда тутилган. Ўзбекистон — Мўғулистон дўстлик ва кўп қиррали ҳамкорлик муносабатларини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилади.

Хусусан, кун тартибидан конструктив сиёсий мулоқот ва парламентлараро алоқаларни ривожлантириш, икки томонлама товар айирбошлаш ҳамжмини ошириш, тоғ-кон санвати, қишлоқ ҳўжалиги, чорвачилик, энгил саноят, соғлиқни сақлаш, транспорт, логистика ва бошқа йўналишларда кооперация лойиҳаларини амалга ошириш режалари ўрин олган. Шунингдек, маданий-гумани-

## Ташриф олдидан

### Ўзбекистон — Мўғулистон: Ўзаро алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим босқич

Президент Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Мўғулистон Президенти Ухнаагийн Хурэлсух 23 — 26 июнь кунлари давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлади.

Мўғулистон Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 19 декабрда тан олган. Мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 25 январда ўрнатилган.

Мўғулистон Президентлари 2010, 2016 ва 2022 йилларда Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент ва Самарқанд саммитларида кузатуви давлат раҳбари сифатида иштирок этиш учун Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Халқларимиз ўртасидаги муносабатлар, тарихчиларнинг фикрига кўра қадим замонларга бориб тақалади. Жумладан, Турк ҳўқонлиги даврида (552 — 603) ва ундан кейинги йилларда ўзаро алоқаларни ривожланган.

2020 йилдан бошлаб икки давлат қўнун чиқарувчи органлари ўртасидаги ҳамкорлик фаоллашди. Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Мўғулистон Давлат Буюк Хуралида парламентлараро ҳамкорлик бўйича дўстлик гуруҳлари ташкил этилган.

Хозирги босқичда икки давлат ўртасидаги муносабатлар ўзаро ҳурмат ва бир-бирининг манфаатларини ҳисобга олиш таъминлаш асосида изчил тараққий этиб бормоқда.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик учинчи ялпи мажлиси тўғрисида АХБОРОТ

**2024 йил 21 июнь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг эллик учинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлади.**

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцадоқ тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Дастлаб сенаторлар “Ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш тўғрисида”ги қўнунни муҳокама қилди.

Таъкидланганидек, ушбу қўнуннинг мақсади ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Қўнун билан ер участкаси ва унда қурилган иморатга бўлган ҳуқуқни, шунингдек, якка тартибда уй-жой қурилган ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкасига ижара ҳуқуқини эътироф этишининг аниқ тартиблари белгиланмоқда.

Ўз навбатида, сенаторлар қўнуннинг мазмун-моҳиятига ҳам алоҳида тўхталиб, ҳуқуқларни эътироф этиш борасида тегишли асос-

лар белгиланаётганини айтиб ўтди.

Жумладан, ортқича эгалланган ер участкасига, боғдорчилик ва узумчилик ширкатлари ҳудудида жойлашган тураржойлар эгалланган ер участкасига, кичик саноят зоналари ҳудудидаги ер участкасига бўлган ижара ҳуқуқини эътироф этиш асослари белгиланмоқда.

Бундан ташқари, қўнунга ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга тааллуқли маълумотлар ва ҳужжатлар автоматлаштирилган ахборот тизими орқали белгиланган босқичларда киритилиши назарда тутилмоқда.

Муҳокама давомида сенаторлар томонидан қўнуннинг қабул қилиниши фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ўзбошимчилик билан эгаллаб олинган ер участкаларига нисбатан ижара ҳуқуқини ҳамда уларда қурилган бино ва иншоотларга нисбатан мулк ҳуқуқининг эътироф этилишига ва бу орқали аҳолининг ижтимоий, иқтисодий ҳамда ушбу бино ва иншоотларни коммунал тармоқларга улаш бўйича тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда юзага келаётган муаммоларининг ҳал этилишига имкон бериши таъкидланди.

Муҳокама якунида мазкур қўнун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг “Киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қўнунчилик тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Респуб-



ликасининг айрим қўнун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қўнун кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши муносабати билан кредит ташкилотлари ва нобанк кредит ташкилотлари фаолиятида ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни таъминлашга доир чоралар дарajasини ошириш зарурияти юзага келмоқда.

Мазкур қўнунга асосан кредит ва тўлов ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, валюта

биржалари, кредит бюрolari томонидан хавфсизлик ва киберхавфсизлик таҳдидларини аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш чораларини кўриш бўйича Марказий банкка қўшимча ваколатлар белгиланмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга, “Марказий банк тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, “Банк сирини тўғрисида”ги, “Автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги, “Элек-

трон ҳукумат тўғрисида”ги,

“Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги ҳамда “Нобанк кредит ташкилотлари ва микромолиялаштириш фаолияти тўғрисида”ги қўнунларга киберхавфсизликни таъминлашга оид меъёrlар киритилмоқда.

Қўнун билан банк ахборот тизимларида ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни таъминлаш бўйича қўнунчилик талабларининг бузилганлиги ҳолати кўпол қоидабузарликлар қаторига киритилмоқда.

## Олий Мажлис Қўнунчилик палатасида

### Фуқаролар олдадаги масъуллиқ ҳисси



Кеча Олий Мажлис Қўнунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Қўйи палата Спикери Н. Исмоилов мажлис аввалида Президентимизнинг 20 июнь куни пойтахтимизнинг Олмаоқ туманидаги “Иппо” инновацион ўқув-ишлаб чиқариш технопаркида бўлиб, мазкур

#### Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига кимлар киритилади?

Депутатлар “Давлат харидлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қўнунига давлат харидлари тизимини янада тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қўнун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу қўнун лойиҳаси билан тўғри-

инновацион марказ фаолияти билан танишиш жараёнида бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурганига тўхталиб ўтди. Муҳандислик соҳаларида кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасалари фаолиятини янада тақомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида давлат раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлашда депутатлар корпуси ҳам фаол қатнашини қайд этилди.

Шундан сўнг мажлисда давлат харидлари соҳасидаги харид қилиш тартиб-таомилларини тақомиллаштириш, “иссиқона газлари” чиқарилишини чеклаш ва энергияни тежаш, ундан оқилона фойдаланиш ҳамда энергия самарадорлигини ошириш борасидаги муносабатларни тартибга солиш, энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, шаффоф ва рақобатбардош электр энергия бозорини ривожлантиришга оид қўнун лойиҳалари агрофличка кўриб чиқилди.

дан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидлари амалга оширилиши мумкин бўлган ҳолатларни “Давлат харидлари тўғрисида”ги қўнун билан аниқ белгилаш, давлат буюртмачилари томонидан амалга ошириладиган энг яхши таклифларни танлаш ва тендер натижалари бўйича голиб деб топилган иштирокчи тақдим этган таклифда назарда тутилган шартлар асосида шартномани давлат харидларининг электрон тизими томонидан автоматик тарзда

шакллантириш назарда тутилмоқда. Шунингдек, давлат харидларида барқарорлик принципларини жорий этиш орқали давлат буюртмачиларига қўшимча имкониятлар яратиш, давлат харидлари электрон тизими оператори давлат харидларининг электрон тизимларида харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш билан боғлиқ хизматлар қўрсатиши учун ваколатли органдан рухсатнома олин кенраклиги белгилаб қўйилмоқда.

## ПСИХОЛОГЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Олий Мажлис Қўнунчилик палатасидаги фракциясининг бир гуруҳ аъзоларидан иборат депутатлар томонидан қўнунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида “Аҳолига психологик ёрдам қўрсатиш тўғрисида”ги қўнун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

### Қўнунчилик ташаббуси

Қўнун лойиҳасида қуйидагилар назарда тутилмоқда: — аҳолига психологик ёрдам кўрсатишнинг асосий принциплари, вазифалари, турлари, шакллари, стандартлари; — психологик ёрдам кўрсатиш соҳаси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари; — беупул психологик ёрдам кўрсатиладиган шахслар тоифалари; — аҳолига психологик ёрдам қўрсатиш соҳасидаги профессионал уюшмалари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини яратиш.

дан психологик ёрдам кўрсатганлик учун маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланиши назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, психологик ёрдам қўрсатиш тўғрисидаги қўнунчиликни бузиш билан боғлиқ ишлар жиноят ишлари бўйича судлар томонидан қўриб чиқилиши тақлиф этилмоқда.

Айни вақтда мазкур қўнун лойиҳаси юзасидан Қўнунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси аъзолари мутахассислар, экспертлар, жамоатчилик вакиллари билан жалб этган ҳолда қизгин иш олиб бормоқда.

Шунингдек, психологик ёрдам қўрсатиш ҳуқуқига эга бўлмаган шахс томони-

«Халқ сўзи».

## Янги Ўзбекистон ва учинчи Ренессанс илм-маърифат ва инсонпарварлик асосига қурилаётганини бутун дунё тан олмоқда

Яқинда таниқли сиёсатшунос Қудратилла Рафиқов “Шавкат Мирзиёев: Мен умримни шу халққа тикканман!” сарлавҳали мақоласида таълим соҳаси бўғун катта ислохотлар майдонига айланганини эътироф этар экан, ушбу йўналишда олиб борилаётган улкан ишлар, уларнинг ижобий самараларини чуқур таҳлил қилди. Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш, малакали кадрлар тайёрлаш мақсадида катта куч ва маблағлар йўналтирилаётганини аниқ мисоллар орқали очиб берди. Бу ўзгаришлар бевосита шу соҳа эгалари томонидан эътироф этилмаётганидан қўниб шундай саволни ўртага ташлади:

### Акс садо

**Катта ислохотлар майдони**

Кейинги йилларда мамлакатимиз ҳаётининг ҳамма жабҳасида — сиё-

сатда, иқтисодиётда, ижтимоий, маънавий-маърифий ва бошқа барча соҳада жуда катта, айтиш жоизки, инқилобий ўзгаришлар амалга оширилди. Ватанимиз тинчлиги ва

“Аммо мени ҳайрон қолдирадиган бир жиҳат бор: таълим соҳасида шунча янгиликлар олиб борилаётган экан, ўқитувчилар, профессорлар академикларнинг қадри юксалаётган экан, нега зиёллиларимиз бу ўзгаришлар ҳақида гапирмайди ёки мулоҳазалари ўзаро гурунглрдан юқорига кўтарилимайди?! Ҳолбуки, улар бундан етти-саккиз йил олдинги вазиятни оддий одамлардан кўра тереңроқ тушунишди, билишди-ку?”

Ушбу ҳақиқ эътироз умрини олий таълимни ривожлантириш, малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлашдек энг ва хайрли амалга бахшида қилган инсон сифатида қўлимга қалам олишга ундади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда ке- чаётган шиддатли янгиликларни кузата туриб, уни улкан ислохотлар майдонига қиёслаш мумкин. Чунки Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарлигига келгач ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаси тубдан ислох қилинди. Инсон қадри улғайиб, одамлар эртага эмас, бүгун фаровон ва бахтли яшаш керак, деган ҳаётий ҳақиқат амалда қарор топтирилди. Бу эса одамлар қалб тубида мудраб ётган ишончини қайта ўйғотиб юбордики, юртдошларимиз ислохотлар кузатувчиси эмас, балки унинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ва учинчи Ренессансга мустаҳкам пойдевор қўйиш энг устувор мақсадга айланди.

Тараққиёт илмга асосланади. Унинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир. Шулар ҳақида сўз юритилганда, ёдимга яқин ўтган кунларда қўнунчилик ҳамма жабҳаси тубдан ислох қилинди. Инсон қадри улғайиб, одамлар эртага эмас, бүгун фаровон ва бахтли яшаш керак, деган ҳаётий ҳақиқат амалда қарор топтирилди. Бу эса одамлар қалб тубида мудраб ётган ишончини қайта ўйғотиб юбордики, юртдошларимиз ислохотлар кузатувчиси эмас, балки унинг фаол иштирокчисига айланмоқда. Янги Ўзбекистонни бунёд этиш ва учинчи Ренессансга мустаҳкам пойдевор қўйиш энг устувор мақсадга айланди.

### Ҳамкорлик

## Энергетика вазирларининг тўртинчи йиғилиши

Шу йил 20-21 июнь кунлари Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ)га аъзо давлатлар энергетика вазирларининг тўртинчи йиғилиши бўлиб ўтди.

Унда аъзо давлатлар энергетика вазирлари “Шанхай ҳамкорлик ташкилотида аъзо давлатларнинг энергетика соҳасидаги ҳамкорлигини 2030 йилгача ривожлантириш стратегияси” лойиҳасини кўриб чиқиб, ШХТнинг навбатдаги саммитига киритишга келишиб олдилар. Мазкур ҳужжат 2030 йилга қадар ШХТга аъзо давлатлар энергетика соҳасидаги шериклигининг асосий йўналишларини назарда тутди.

Таъкидланганидек, ШХТга аъзо давлатлар ҳамкорлиги доирасида энергетика сектори ниҳоятда муҳим. Чунки у ўзаро ҳамкорликнинг барча тармоғи, хусусан, иқтисодий соҳани ривожлантиришга хизмат қилади.

«Халқ сўзи».





